

## ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 32345,0 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 224,5 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди. Шундан, 16353,0 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 50,6 фоизи) ва 15 992,0 минг киши – қишлоқ жойларида (49,4 фоизи) истиқомат қилади.

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Ўзбекистон</b>						
<b>Республикаси</b>	<b>32 345,0</b>	<b>16 353,0</b>	<b>15 992,0</b>	<b>101,7</b>	<b>101,5</b>	<b>101,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 827,6	899,4	928,2	101,4	101,3	101,5
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	2 981,9	1 562,3	1 419,6	101,7	102,0	101,4
Бухоро	1 854,0	694,3	1 159,7	101,5	100,9	101,8
Жиззах	1 311,7	616,5	695,2	101,9	101,7	102,0
Қашқадарё	3 113,4	1 336,6	1 776,8	102,0	101,9	102,1
Навоий	949,6	464,0	485,6	101,6	101,3	101,9
Наманган	2 672,2	1 727,6	944,6	101,8	101,6	102,2
Самарқанд	3 679,0	1 380,1	2 298,9	101,8	101,3	102,2
Сурхондарё	2 485,0	884,6	1 600,4	102,1	101,8	102,2
Сирдарё	808,9	347,9	461,0	101,6	101,3	101,8
Тошкент	2 843,2	1 386,9	1 456,3	101,1	101,0	101,3
Фарғона	3 587,4	2 033,9	1 553,5	101,6	101,4	102,0
Хоразм	1 787,0	574,8	1 212,2	101,7	101,2	101,9
Тошкент ш.	2 444,1	2 444,1	х	101,6	101,6	х


Январь–июнда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари куйидагича ифодаланади:

Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2016 йил	2017 йил	2016 йил	2017 йил
Туғилганлар	317,9	311,9	20,2	19,5
Ўлганлар	73,9	78,8	4,7	4,9
шу жумладан бир ёшгача болалар	3,7	3,9	10,2 <sup>1)</sup>	10,9 <sup>1)</sup>
Никоҳлар, мингта	92,4	96,3	5,9	6,0
Ажралишлар, мингта	14,7	15,6	0,9	1,0

**Туғилиш.** 2017 йилнинг январь–июнида туғилганлар сони 311,9 минг кишини ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига (317,9 минг киши) нисбатан 6,0 минг кишига камайди, шунга мос равишда туғилиш коэффиценти 19,5 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффицентининг сезиларли камайиши Тошкент вилояти (19,1 промилледан 18,0 промиллегача), Қашқадарё (22,2 промилледан 21,3 промиллегача), Фарғона (19,4 промилледан 18,5 промиллегача), Хоразм (17,5 промилледан 16,6 промиллегача), Жиззах (22,7 промилледан 21,9 промиллегача), Наманган (20,9 промилледан 20,2 промиллегача), Бухоро (17,8 промилледан 17,2 промиллегача), Самарқанд (21,6 промилледан 21,0 промиллегача) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (19,2 промилледан 18,1 промиллегача) ҳиссасига тўғри келади.

2017 йилнинг январь–июнь ҳолатига аҳолининг табиий ҳаракати коэффиценти куйидаги графикда келтирилган (1000 аҳолига нисбатан, промилле):



**Ўлим.** 2017 йилнинг январь–июнида ўлганлар сони 78,8 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (73,9 минг киши) нисбатан 4,9 минг кишига кўпайди, мос равишда ўлим коэффиценти 4,9 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь–июнда – 4,7 промилле бўлган).


<sup>1)</sup> 1000 тирик туғилганга

Ўлим коэффициентининг сезиларли ўсиши Андижон (5,0 дан 5,5 промиллегача), Жиззах (4,0 дан 4,4 промиллегача), Қашқадарё (3,8 дан 4,2 промиллегача), Наманган (4,4 дан 4,8 промиллегача), Сурхондарё (4,1 дан 4,5 промиллегача), Фарғона (4,7 дан 5,0 промиллегача), Хоразм (4,3 дан 4,6 промиллегача) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (4,2 дан 4,5 промиллегача) ҳиссасига тўғри келади.

Ўлим коэффициентининг камайиши Тошкент шаҳри (6,9 дан 6,8 промиллегача) ҳиссасига тўғри келади.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Қашқадарё (4,2 промилле), Бухоро (4,4 промилле), Жиззах (4,4 промилле) ва Самарқанд (4,4 промилле) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонидан 62,1 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,8 фоизи – ўсма касалликларидан, 5,5 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,4 фоизи – бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 5,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,7 фоизи инфекция ва паразитар касалликларидан, 11,4 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.



Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь–июнь ҳолатига 63 та оналар ўлими рўйхатга олинган ва оналар ўлими коэффициенти 20,2 промиллени (100 минг тирик туғилганга нисбатан) ташкил қилди.

Оналар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Навоий – 43,2 (100 минг тирик туғилганга нисбатан), Қашқадарё – 30,5, Жиззах – 28,2, Тошкент вилояти – 27,7 ва Ташкент шаҳри – 24,5 ҳиссасига тўғри келади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь–июнида бир ёшгача 3,9 мингта болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффициенти – 10,9 промиллени (2016 йил январь–июнда – 10,2 промилле бўлган) ташкил қилди.

Гўдаклар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Ташкент шаҳри – 18,1 (1000 тирик туғилганга нисбатан), Хоразм – 15,8, Андижон – 15,3, Жиззах – 14,3, Сирдарё – 14,0, Наманган – 13,6 вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси – 14,4 ҳиссасига тўғри келади.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 56,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 23,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 11,8 фоизи – туғма аномалиялардан, 3,0 фоизи – инфекция ва паразитар касалликларидан, 1,3 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 0,2 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,3 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь–июнида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 96,3 мингта никоҳлар ва 15,6 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 6,0 (2016 йилнинг январь–июнида – 5,9 бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффиценти 1,0 ни (2016 йилнинг январь–июнида – 0,9 бўлган) ташкил этган.

Январь–июнда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони қуйидаги жадвалда келтирилган:

(минг бирликда)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
<b>Ўзбекистон</b>				
Республикаси	92,4	96,3	14,7	15,6
Қорақалпоғистон				
Республикаси	6,4	6,8	0,5	0,7
вилоятлар:				
Андижон	7,5	7,7	1,5	1,6
Бухоро	6,5	6,1	0,8	0,9
Жиззах	3,2	3,3	0,5	0,5
Қашқадарё	8,7	8,8	0,9	0,9
Навоий	2,8	2,8	0,5	0,6
Наманган	5,9	6,6	1,1	1,2
Самарқанд	10,8	11,4	1,5	1,9
Сурхондарё	7,6	8,7	0,7	0,8
Сирдарё	2,0	2,0	0,4	0,5
Тошкент	7,4	7,7	1,7	1,8
Фарғона	8,8	9,7	1,7	1,7
Хоразм	7,5	8,0	0,5	0,7
Тошкент ш.	7,3	6,7	2,4	1,8

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь–июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 82,5 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса – 91,0 минг кишини ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи 8,5 минг кишини ташкил этган, 2016 йилнинг мос даврида минус 12,5 минг киши бўлган.

Январь–июнда аҳолининг миграция кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

(минг киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>72,1</b>	<b>82,5</b>	<b>84,6</b>	<b>91,0</b>	<b>-12,5</b>	<b>-8,5</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	5,2	6,0	7,2	8,1	-2,0	-2,1
вилоятлар:						
Андижон	2,8	3,3	3,6	4,3	-0,8	-1,0
Бухоро	2,8	3,4	3,8	4,6	-1,0	-1,2
Жиззах	4,2	5,0	4,7	5,5	-0,5	-0,5
Қашқадарё	5,6	5,7	6,2	7,5	-0,6	-1,8
Навоий	6,0	6,9	6,7	7,1	-0,7	-0,2
Наманган	2,6	2,1	3,0	2,7	-0,4	-0,6
Самарқанд	5,5	5,1	7,6	7,9	-2,1	-2,8
Сурхондарё	7,0	6,9	7,6	7,4	-0,6	-0,5
Сирдарё	3,0	4,1	3,6	4,5	-0,6	-0,4
Тошкент	10,8	10,2	12,6	13,5	-1,8	-3,3
Фарғона	6,1	6,7	7,0	8,1	-0,9	-1,4
Хоразм	3,1	3,9	3,6	4,3	-0,5	-0,4
Тошкент ш.	7,4	13,2	7,4	5,5	0,0	7,7

Миграция сальдосининг юқори даражаси Тошкент (минус 3,3 минг киши), Самарқанд (минус 2,8), Қашқадарё (минус 1,8), Фарғона (минус 1,4), Бухоро (минус 1,2), Андижон (минус 1,0) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (минус 2,1) қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Тошкент шаҳрида кузатилди (плюс 7,7 минг киши).